



УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИ МУАССАСАСИНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШДА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ СТРАТЕГИЯСИ ВА МОДЕЛИ

Пўлатов Ш.П.

*Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети*

Таянч сўзлар: методологик асос, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, рақобатбардош, ижодкор ва ижтимоий фаол, интеллектуал майдон, географик стратегия, латераль стратегия, фокуси стратегия, стратегик фикрлаш, илмий инфраструктура, кластерли ёндашув платформаси.

Ключевые слова: методологическая основа, нормативно-правовая база, конкурентная, творческая и социально активная, интеллектуальное поле, географическая стратегия, боковая стратегия, целенаправленная стратегия, стратегическое мышление, научная инфраструктура, платформа кластерного подхода.

Key words: methodological framework, regulatory framework, competitive, creative and socially active, intellectual field, geographical strategy, lateral strategy, targeted strategy, strategic thinking, scientific infrastructure, cluster approach platform.

Таълим муассасалар фаолиятини ташкил этишнинг методологик асослари ҳисобланган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таълим муассасасини фаолият юритишни ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунинг ҳар бир моддасида келтирилган жумлаларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир таълим муассаса раҳбарияти, педагогик жамоси билиши шарт бўлиб, ҳар бир шахс ўзининг стратегик режасини кўра олиш имкониятига эга бўлади. Айниқса, таълим муассасаси раҳбарлари кластерли ёндашувни назарда тутган ҳолда таълимнинг қайси тури ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишни белгилай олади. Бу борада қабул қилинган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда таълим муассасасини ривожлантириш ва такомиллаштириш режа-дастурларини тузади.



Умумий ўрта таълим муассасаларини кластерли ёндашув асосида инновацион бошқаришнинг асосий йўналишлари, тамойиллари, талабларини ҳисобга олиб ҳамда ички ва ташқи ҳамкорлик ишларни ташкил этган ҳолда, ўқитиш қонуниятлари ва принципларини аниқлаш, ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида таълим жараёнида педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланишнинг назарий-амалий асослари, раҳбарларнинг илмий-методик тайёргарлигини таъминлашнинг таркибий қисмлари, даражалари, кўрсаткичлари, унга тасир кўрсатадиган педагогик омилларни белгилаш ва мазкур тайёргарлик даражасини ривожлантириш мазмуни, методи, восита ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётда қўллаш орқали давр талабларига жавоб берадиган юқори маъналик, рақобатбардош, ижодкор ва ижтимоий фаол, маънавий бой, ғоявий-сиёсий етук раҳбарларни тайёрлашга эришиш.

Кластерли ёндашув модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган объект ва субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда, ҳар бир объект ва субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорликда иш юритади. Кластер модели объект ва субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ўзаро ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради.

Шунингдек, педагогик таълим кластерли ёндашуви таълим ташкилотлари субъектлари қуйидаги стратегияларга асосланади:

- ҳудуд нуқтаи назаридан географик стратегияга;
- ишлаб чиқариш ва академик илм-фан билан муносабатига кўра лотераль стратегияга;
- таълим ва тарбия технологияларидаги яқинлик нуқтаи назаридан технологик стратегияга;
- мақсад атрофида бирлашиш нуқтаи назаридан фокусли стратегияга;
- ҳамкорликни қандай ташкил қилиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан сифат стратегиясига.

Субъектларнинг бир пайтнинг ўзида бир нечта стратегик фаолият олиб бориши ва унинг фокусини кластернинг ҳам умумий, ҳам хусусий мақсадларига тўғрилаш анчайин мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо бу мураккабликни илмий ва амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш кластерлаштириш жараёнининг асосий шarti ҳисобланади.

Кластерли ёндашув асосида таълим ташкилотлари фаолиятини илмий-методик бошқаришда стратегик режалаштиришнинг мазмун моҳияти.



Европа олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотчилар кластерли ёндашувнинг еттита асосий стратегияси қайд қилиб ўтилган:

- географик стратегия, кичик ҳудуддан тортиб глобал масштабгача бўлган ҳудудларда ёйилган кластер турлари;
- горизонтал стратегия, бир нечта кластерларнинг бирлашувидан ташкил топган кластернинг мигаструктура шакли;
- вертикал стратегия, бирлаштирувчи, яъни бир хил даражадаги субъектларни бирлаштирувчи кластерлар;
- латераль стратегия, ҳар хил структурадаги субъектларни бирлаштирувчи, ўлчовни иқтисод билан таъминлай оладиган, янги комбинацияларга олиб келадиган кластерлар;
- технологик стратегия, бир хил технологиядан фойдаланадиган тузилмалар тўпламида кўзга ташланадиган кластерлар;
- фокусли стратегия, битта марказ атрофида жойлашган кластер субъектлари;
- сифат стратегияси, ташкилотларнинг ҳамкорликни қандай амалга ошириш асосий масала сифатида турадиган кластер шакли.

Бизнингча, мазкур тадқиқотчилар томонидан қайд қилинган юқоридаги йўналишларни кластер стратегиялари сифатида эмас, балки кластер шакллари ёки йўналишлари сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ. Чунки уларда кластерли ёндашувни амалга оширишнинг устувор мақсадлари - стратегиясидан кўра, унинг қандай шакл ва турларда намоён бўлиши ўз ифодасини топган. Шунингдек, таълим кластерининг самарали ривожланиши қуйидаги шарт-шароит ва омилларга бевосита боғлиқ:

- талабга жавоб берадиган технологик ва илмий инфраструктуранинг мавжудлиги (Д.А.Ялов);
- қатнашчиларнинг ўзаро ҳамкорликка руҳий жиҳатдан тайёрлиги (Д.А.Ялов, В.П.Третьяк);
- кластерли ёндашувни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳудудий стратегиясининг мавжуд бўлиши;
- лойиҳани бошқариш усулини муваффақиятли қўллаш имконияти;
- кластерли ёндашув субъектлари ўртасида ахборот алмашишни таъминловчи кучли ахборот технологиялари (А. А. Мигранян)

Шундай экан, педагогик таълимни кластерлаштириш билан боғлиқ илмий-амалий ишларни муваффақиятли амалга ошириш, уларда самарадорликка эришиш учун биздан мавжуд технологик ва илмий инфраструктурани жараёнга мослаштириш, субъектларда тарғибот - ташвиқот ишларини

амалга ошириш воситасида уларнинг мазкур инновацион жараёни тўла англаб етишларига эришиш

Стратегик режалаштириш – таълим муассасасининг мақсадларидан келиб чиқиб, уни амалга ошириш, зарур бўлган вазифаларни белгилаш, мазкур вазифаларни амалга ошириш учун бошқарув функциялари, методлари ҳамда мақсадларини аниқлаш ва амалга ошириш юзасидан стратегик режалар ишлаб чиқиш жараёни бўлиб, бунда мақсад ва вазифаларнинг илмий асосланганлиги, белгиланган муддатларнинг аниқлиги ва объективлиги, ижрочиларнинг билими ва касб маҳорати, ташқи муҳит тасири, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши, муассаса имкониятлари, шунингдек, бошқарув стратегияси, яъни стратегияни амалга оширишни бошқариш йўналишлари ўрганилиб таҳлил қилинади.

Стратегик режа бу – муассасада таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш – рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш йўналишида узоқ (уч, беш, ўн йил ва ундан кўпроқ муддатларни ўз ичига олади) муддатларга мўлжалланган вазифаларни ўз ичига олган дастур (истикбол режа) бўлиб, у таълим муассасасининг ҳамда раҳбар ходимларнинг йиллик ва жорий режалари учун асос сифатида хизмат қилади.

Стратегик фикрлаш – раҳбарнинг таълим мазмунини такомиллаштиришдаги тенденция, мавжуд ва кутилаётган (ички ва ташқи) самаралар, шунингдек, рақобатчилар билан солиштирганда муассасанинг кучли ва ожиз томонларини таҳлил қила олиш қобилияти. Шу билан бирга таълим ислохотлари билан амалий фаолиятнинг таҳлиliga асосланган, шунингдек, бошқа таълим муассасаларига нисбатан салоҳият имкониятлари кўпроқ, узоқ муддатли (3-5 йиллик) таълим муассасаси фаолияти истиқболлини яратади ва уни бошқаради.

Назорат бу – бошқарув жараёнининг фаол босқичларидан бири бўлиб, у бошқарувнинг барча функциялари билан боғлиқ бўлади. Умумий ҳолда назорат режалаштирилган натижа билан ҳақиқий эришилган натижаларни ўзаро солиштириш жараёни бўлиб, у фаолиятнинг муваффақиятини аниқлашга имконият яратади. Педагогик тизимни бошқариш жараёнида кўзланган йўналишдан четга чиқишлар ҳам вужудга келиши мумкин, бундай вазиятларда назорат йўл қўйилаётган хатоларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг тузатиш усулларини белгилаш имкониятларини яратади. Шунинг учун бошқарув фаолиятининг барча босқичлари учун назорат зарур ҳисобланади.



Кластерли ёндашув асосида таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда мактаб фаолиятини инновацион бошқаришда мақсад ва вазифалар.

Мақсад: мактабнинг партисипатив бошқарилиши, яъни муаммоларини ҳал қилиш жараёнига ижрочиларни киритиш (мактаб ишларида психологик, ҳамкорлик ташкилот вакиллари ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кузатув кенгаши ва ҳомийларнинг иштироки).

Мактабни ҳамкорлик ташкилотлари билан биргаликда бошқаришда ташкилий вазифаларнинг ўрни – ходимларга берилган топшириқларни бажариш учун жамоанинг фаолиятини ташкил этишда намоён бўлади. Ушбу фаолиятни ташкил этиш раҳбарнинг асосий ва масъулиятли вазифаларидан бир ҳи- собланади ва у бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Биринчи босқич – тегишли топшириқ ҳамда вазифаларни режалаштириш ва раҳбар ўринбосарлари ўртасида тақсимлаш жараёни. Топшириқларни тақсимлаш ва ходимларнинг топшириқни бажариш жараёнидаги вазифаларини тушунтириш ташкилотчилик вазифасининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Бу кўрсаткич раҳбарнинг бошқа функцияларини ўзига бирлаштиради ва у ахборотлар билан ишлаш вазифаси билан узвий боғлиқ бўлади, чунки, раҳбар ўз ўринбосарларига вазифаларни тушунтириш жараёнида уларни зарурий ахборотлар билан таъминлайди.

Иккинчи босқич – ходимлар томонидан бажарилган топшириқларнинг натижасини назорат қилиш ва таҳлил этиш. Раҳбар ўринбосарлари томонидан бажарилган ишларнинг сифатини текширишдан аввал топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини назоратга олиши талаб этилади. Назорат қилиш, текшириш функцияси ҳам раҳбарнинг бошқа вазифалари билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Учинчи босқич – топшириқларни бажаришда ходимларга ёрдам кўрсатиш. Ходимларнинг фаолиятини мунтазам назоратга олиш жараёнида раҳбар ўз вақтида ўринбосарларига ёрдам кўрсатиш имкониятига ва ўз ўрнида ҳар бир ходимнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга эга бўлади.

Тўртинчи босқич – ходимларнинг фаолияти натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки жазолаш чораларини кўришни ўз ичига олади. Илғор ва ижодкор ходимлар, ихтирочиларни моддий ва маънавий шаклларда рағбатлантириш, камчиликларга йўл қўйган айрим ўринбосарларнинг барча фаолиятларини қатъий назоратга олиш орқали жазолашни амалга ошириш мумкин.



Таълим ташкилотида тарълим-тарбия жараёнини инновацион кластерли ёндашув асосида ташкил этишнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турлари ҳамда воситаларини излаб топиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш;
- таълим ва тарбия узвийлиги, алоқадорлиги, узлуксизлигини таъминловчи механизмларини излаб топиш ва такомиллаштириш;
- таълим ташкилотида ўқитиладиган барча ўқув предметлари бўйича таълим-тарбияни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларининг интеллектуал ресурсларини интеграсиялаш;
- барча таълим йўналишлари бўйича педагог кадрларни тайёрлашда МТТМ, УЎТМ ҳамда ОТМга қарашли таълим ташкилотларининг ўзаро тезкор қайта алоқа механизмларини ишлаб чиқиш;
- педагогик таълимга ўқувчиларнинг ўқув фанларига қизиқишини ошириш, уларда педагог бўлишга истак ва хоҳишни уйғотиш, олий ўқув юртига юқори кўрсаткичлар билан таҳсил олаётган ўқувчиларни танлаб олиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- педагогик таълим бўғинлари орасидаги алоқадорлик, боғлиқлик, ҳамкорлик, узвийлик ва узлуксизликни илмий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш;
- талабаларни бугунги жадал ривожланиш жараёнларида бевосита иштирокини таъминлаш ҳамда ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини меъёрлаш;
- педагогик таълимда янги авлод ўқув, ўқув-методик, илмий адабиётлар, воситалар ҳамда дидактик материаллар мажмуасини яратиш;
- педагогика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш мақсадида етакчи хорижий ОТМлари билан ҳам корликни ва кадрлар алмашинувини йўлга қўйиш, илмий стажировкаларни амалга ошириш;
- педагогик таълимни тартибга солувчи мавжуд ҳуқуқий-меъерий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда педагогик таълимнинг инновацион кластерли ёндашув платформасини ишлаб чиқиш.
- Таълим ташкилотида таълим-тарбияни инновацион кластерли ёндашув асосида ташкил этишнинг энг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:
- Олий таълим муассасаларида МТТМ, УЎТМлари учун замонавий билим, кўникма, малака (БКМ) ва тегишли компетенцияларга эга, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш;



- таълим-тарбия сифат ва самарадорлигини оширишда инновацион илғор педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш;
- МТТМ, УЎТМларда фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва тарбиячиларнинг БКМларидаги бўшлиқларни тўлдириш, УЎТМларида фанларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳудудий малака ошириш – Педагогик миллий маркази ва ХТБлари билан ҳамкорликда муддатли, мақсадли ўқув курсларини ижодкор, махоратли тренерлардан фойдаланган ҳолда семинар-тренинг ва мастер-класслар, илмий-амалий конференциялар ташкил қилиш;
- МТТМ, УЎТМларида илмий-тадқиқот ишларига лаёқатли ёш, иқтидорли ўқитувчи ва тарбиячиларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш ва уларга илмий ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш.

Таълим муассасаси регламентида жамоатчилик ташкилотларининг функционал вазифалари сифатида педагогика кенгаши, раҳбар, раҳбар ўринбосарлари, пелагоглар, ёшлар ташкилоти, Кузатув кенгаши, психолог, методбирлашма, касаба уюшмаси, мактаб ота-оналар қўмитаси томонидан амалга оширилиши зарур бўлган ишларни мазмуни келтирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу кенгашларнинг асосий вазифаларидан намуналар келтираемиз:

- паст ўзлаштируви ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлашни самарадорлигини ошириш учун таълим муассасанинг ўқув ва маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари, амалиётчи психолог ва тажрибали, ижодкор ўқитувчилар ҳамкорлигида мазкур ўқувчилар билан аниқ мақсадга йўналтирилган «йўл харитаси» режасини тузиш ҳамда мазкур режадаги вазифаларни бажариш;
- ўқувчиларда ўзга шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат, фуқаролик бурчи, масъулияти туйғуларини, ижтимоий фаолликни шакллантириш каби қатор амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ва уларни амалга ошириш тартиб-қоидалари келтирилиши зарур;
- «Маҳалла, оила ва таълим муассасаси» ҳамкорлик концепсияси асосида ишлаб чиқилган «Йўл харитаси», мактабнинг бошқа ташкилот ва муассасалар билан ўзаро фойдали кластрели ёндашув асосида ҳамкорлик фаолиятларини ривожлантириш;
- мактабда ноқонуний (наркамания, жиноятчилик, турли экстремистик оқимлар ва ҳ.к.) йўлларга кириб бораётган ва мактабга сабабсиз келмаётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки қонуний вассийлари) билан суҳбатлар, учрашувлар, мақсадли тадбирлар ташкил қилиш.



- ҳуқуқий, демократик, ўзини ўзи ривожлантирувчи ва бошқарув тизимида фаолият олиб бораётган таълим муассасасининг шаклланишига илмий-методик, амалий ёрдам кўрсатиш;
- таълим муассасасида ноқонуний (наркамания, жиноятчилик, турли экстремистик оқимлар ва ҳ.к.) йўлларга кириб бораётган вояга етмаган болалар билан суҳбатлар, учрашувлар ташкил қилиш;
- ўқувчиларда ўзга шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат, фуқаролик бурчи, масъулияти туйғуларини, ижтимоий фаолликни шакллантириш каби қатор амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ва уларни амалга ошириш тартиб-қоидалари келтирилиши зарур;
- таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёнини мазмунини янада такомиллаштириш мақсадида “Маҳалла, оила, таълим муассасаси” ҳамкорлик концепцияси асосида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”, таълим муассасасининг бошқа ташкилот ва муассасалар билан ўзаро фойдали ҳамкорликларини ривожлантириш;
- таълим муассасасида педагогик жараёнлар самарадорлигини яхшилаш йўналишида мақсадга йўналтирилган тадбирлар уюштириш, шунингдек, таълим муассасаси жамоаси фаолияти йўналишларида мавжуд имкониятларни кенгайтириш бўйича хомийлик кўрсатиш тадбирларини ташкил этиш.

Хулоса сифатида такидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 5 апрель куни халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида маҳаллий ҳокимиятлар, тегишли таълим ташкилотлари, Халқ таълими ва Олий таълим тизимлари орасида кластерли ёндашув асосида бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Инновация - бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”. Муайян натижаларга эришиш, мақсадларни аниқ белгилаш, сифат соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун аниқ ҳаракат дастурини таклиф қилиш таълим ташкилоти ходимларининг касбий фазилатларини қўллаб-қувватлайди ва уларнинг педагогик ҳамда методик маҳоратини оширишларига рағбат уйғотади.

Таълим субъектларини бошқариш орқали биз субъектларнинг мақсадли фаолиятини тушунамиз, таълим хизматларини тақдим этиш ва бошқарув вазибаларини ҳал қилиш орқали таълим хизматлари истеъмолчиларининг (ўқувчилар, талабалар, ота-оналар ва бошқалар) биргаликдаги фаолияти-



ни самарали ташкил этишни таъминлаш, уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва унинг сифатига эътибор беришни тушунамиз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги «Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида» ги. ПФ-106-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022 - 2026-йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сонли фармони.
3. Болоний Г.Б., Лыскова В.Ю. Кластерный подход и його использование в научно-педагогических исследованиях. Вестник ТГУ, т.16, вып.1, 2011.
4. Ялов Д.А. Кластерный подход как технология управления региональным экономическим развитием. – URL: www.subcontract.ru
5. Мигранян А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособных кластеров в странах с переходной экономикой.
6. Ходжамкулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари. Пед. фан. док. (ДСс) дисс. автореф. -Чирчиқ, 2020. - 60
7. Пулатов Ш.П. Таълим менежменти ёхуд таълим муассасаларини илмий-методик бошқаришга инновацион ёндашув, Т... “Yosh kuch”, 2022. 736 б.

РЕЗЮМЕ

Умумий ўрта таълим муассасаларини кластерли ёндашув асосида инновацион бошқаришнинг асосий йўналишлари, тамойиллари, таълим ташкилотларида педагогик таълим кластерли ёндашув субъектлари стратегиялари, кластерли ёндашув асосида мактаб фаолиятини инновацион бошқаришнинг мақсад ва вазифалари, умумий ўрта таълим муассасасини инновацион бошқаришда кластерли ёндашув модели, таълим муассасаси регламентида жамоатчилик ташкилотларининг функционал.

РЕЗЮМЕ

Основные направления, принципы инновационного управления общеобразовательными учреждениями на основе кластерного подхода, стратегии субъектов педагогического образования кластерного подхода в образовательных организациях, цели и задачи инновационного управления школьной деятельностью на основе кластерного подхода, модель кластерного подхода в инновационном управлении общеобразовательным учреждением, функциональные принципы общественных организаций в регламенте образовательного учреждения.

SUMMARY

The main directions, principles of innovative management of educational institutions based on the cluster approach, strategies of subjects of pedagogical education of the cluster approach in educational organizations, goals and objectives of innovative management of school activities based on the cluster approach, a model of the cluster approach in innovative management of a general education institution, functional principles of public organizations in the regulations of an educational institution.